

ҲАМЗА ШАХСИЯТИ, АДАБИЁТИ ВА АБАДИЯТИ

Шерзод Хўжамбердиев

Қўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқодчиси

Аннотация. Мазкур мақолада Ҳамза Ҳакимзоданинг шахсияти, бу масалага бугунги кун назари билан қараш, ўтмишда шоир шахсияти юзасидан баёнланган битикларга муносабат, шоир ҳаёт йўлидаги энг муҳим нуқталар, бу серқирра ижодкорнинг адабиёт ва санъатнинг турли соҳалари бўйича ёзган асарлари, маориф ва миллий маданият соҳалари бўйича қилган ишлари юзасидан мухтасар сўз юритилади. Шу билан бирга, Ҳамза Ҳакимзода шахсияти ва асарларига бугунги мезонлар билан қараш қай даражада эканлиги хусусидаги мулоҳазалар баён қилинади. Эндиликда адибнинг асарларига қай йўсинда ёндашув кераклиги борасида ҳам айрим таклифлар берилади. Истиқлол даврида бу серқирра ижодкорнинг шахсияти ва фаолиятига баҳо беришда амалга оширилган ишлар, турли позициядан туриб ёзилган баъзи мақолалар, ҳужжатли бадиий асарларга муносабат ҳам эътибордан четда қолмаган.

Калит сўзлар: Шоир, ёзувчи, маданият ходими, бастакор, жаид, миллат учун курашчи, юртсевар, миллатпарвар, илм-фан тарғиботчиси, назм, наср, драматургия, роман, публицистика, шаклда янгилик, мазмунда янгилик, маданият, маориф, санъат, муаллимлик, носех, мушоҳада, мулоҳаза, таклиф.

Бизнинг ёшимиздагилар, назаримда, аросатда қолган авлодга ўхшаймиз. Негаки, биз ўрта таълим мактабида, сўнг олий таълим муассасида ўқиган пайтларимиз шўро мафкурасининг таъсири тамоман сўниб битмаган, шу мафкура ўлароқ “қуролланган”, шуурларида булардан тозарланиш энди-энди тетапоё бўлаётган мухтарам муаллимларнинг сабоқларини олиб вояга етганмиз. Шунданми, жаидчилик даври ва шўролар даври мафкураси, адабиёти, санъати орасида ўзига хос бир кўприк бўлган шоиру ёзувчилар, драматургу адабиётшунослар, публицисту маданият ва санъат вакиллариининг шахсияти ҳамда асарларига баҳо беришда иккиланиб-иккиланиб, ийманиб-ийманиб қоламиз. Устига-устак, биз эътиқод қўйган айрим ижодкорлар шахсияти ва ҳаёт принципларидан тортиб, амалий фаолиятларига баҳо беришга ҳанузгача икки хил ёндашиш, икки хил қараш давом этиб келяпти. Шулардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳисобланади.

Аслида, Ҳамза Ҳакимзода ана шундай баҳоланишга арзийдиган шоирмиди, ёзувчию драматургмиди, публицисту маориф жонкуяримиди, бастакору миллат тақдири, маънавияти учун курашувчимиди? Асло йўқ! Унда нега бизнинг зиёлилар (ҳатто эндигина маънавият олами аталмиш улкан майдонга кириб келаётган ёш мунаққидлар, ижодкорлар) айтилган ёхуд ёзилаётган ноҳолис баҳолару қарашларнинг йўлини тўса олмаяпти. Ҳақиқатни ёзиш керак. Кўп ёзиш керак.

Бугунги авлодни миллий истиқлол учун жон чекиб, жабр кўрганлар ҳаёт йўллари, қилган ишлари билан яқиндан таништириш керак. Биргина жади́дчилик даври курашчиларининг фаолиятини дастак қилиб олиб, истиқлол учун гўё беш-олти киши кураш олиб боргану қолганлар томошабин бўлиб тураверган, дегандай қараш пайдо бўлиб қоляпти. Ва ҳатто шу курашнинг фидойиси бўлган Ҳамза Ҳакимзодадек зотлар четда қолиб кетяпти. Тўғри, Ҳамза Ҳакимзода шахсиятига ўтган беш-ўн йил миёнасида яна тош отилди. Аммо уни оғизда миллат фидойиси санаб юрган олимларимиз ҳам бу бўҳтонларга қарши чиқа олмадилар. Мустасно ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Айрим олимлар (М.Тожибоева, З.Қобилова, М.Сиддиқов, А.Турдалиев, Г.Саидғаниева) илмий ишларида (диссертация, рисола ва мақолаларида) Ҳамза Ҳакимзодани шахсияти ва амалий фаолиятини ҳимоя қилувчи фикрлар айтилди. Бироқ булар тор доирада, фақат зиёлилар орасидагина қолиб кетяпти. Оммабоп асарлар керак, Набижон Боқийнинг “Қизил тошбўрон”и сингари тарихий ҳужжатли романлар керак. Яна бир мулоҳаза шуки, эндиликка келиб, Ҳамзани яқиндан билиб туриб, унинг ҳақида, у яратган асарлар тўғрисида диссертация ёқлаган, қалин-қалин китоблар ёзган, кўксига уриб фахрланиб юрганлар ҳам тобора камайиб бормокда. Уларнинг хотираларини йиғиш керак. Қисқаси, шундай улуғ инсоннинг шаъни олдидаги ҳаммиллат, ҳамюрт ва мусулмонлик бурчимизни имонимиз талабидан келиб чиқиб, мумкин қадар оқлашимиз керак. Негаки, Ҳамза Ҳакимзода, замондошларининг ёдлашларича, сурати ва сийрати бир-бирига мос тушган, даврнинг кам учрайдиган феноменларидан эканлиги хусусида турли манбалар дарак бериб турибди. Унинг кўркем ва жиддий, зиёлисифат қиёфаси, билим-маърифатда замондошларидан нисбатан анча илгарилаб кетганлиги, исломий ва дунёвий билимлари билан эл орасида обрў-эътибор топганлиги, дунё кезган ва дунё таниган кишилардан эканлиги, Ҳаж зиёратида бўлиб, исломий арконлардан бирини адо этганлиги, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар маъниларида чуқур бохабарлиги замондошлари томонидан кўп эътироф этилган. Дарҳақиқат, Ҳамза ухровий билимлар ва уларнинг асосларига чин эътимод билан ёндашган. Девонидаги ҳамдлар ва наътлар, мактаб болалари учун яратган “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби”, “Енгил адабиёт” сингари қўлланмаларидаги жамики яратиклари катталар ва болаларни Исломиятга даъват этувчи содда, тушунарли тилда битилган шеърлар, исломий ҳикоятлардан таркиб топганлиги ҳам буни далиллайди. Ва ҳатто унинг Октабр тўнтаришигача ёзилган драмалари, миллий рўманлари, публицистикасида ҳам миллий ва исломий қарашлари кўзга аниқ ташланиб туради. Шунинг учун у қаерга бормасин маърифатли кишилар, ҳатто авом ўртасида ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. У ҳақидаги айрим бир ноқис маълумотлар унинг ана шундай истеъдодини, миллатсеварлигини, Ватан ва халқ учун жонини-да фидо қилишга тайёрлигини кўролмаганларнинг бўҳтон ва тухматлардан бошқа нарса эмас.

Ҳамзанинг бир гуруҳ мутаассиблар томонидан 1929 йилда ўлдирилиши шўро мафкурасида унинг ижодини синфийлик-партиявийлик тамойилларига асосланиб баҳолаш учун мезон бўлганлиги истиклолимиз туфайли ошкор бўлди. Шўро мафкураси уни ўз эътимодидан, қон ва тўқис имон билан сингган эътиқодидан, умрининг катта қисми туб кўйиб, палак ёзган ухровий-маънавий заминдан юлиб олиб, ўзи мансуб бўлган покдамон, диёнатли, имон-эътиқодли кишиларга, ўзи чин дилдан ишонган жадиदчилик ҳаракатига, унинг намояндаларига қарши кўйди; ўзбек шўро адабиёти, маданияти ва санъатининг ягона асосчиси сифатида талқин ва тақдим этиб, бу зотни даҳрийлик мафкурасининг, тоталитар тузумнинг яловбардорига айлантirdилар. Шўро мафкурасининг бу борадаги “фидойилиги”нинг салбий оқибатларидан бири шу бўлдики, миллиятчи шоирнинг айрим сатрлари, ҳатто асарларининг тўлиқ матнига “пардоз” берилди, “таҳрир” қилинди, “Бой ила хизматчи” каби драмалари қайтадан ёзиб чиқилди. Шўро тузumi даврида шоирнинг “Уйғон”, “Ишчилар, уйғон”, “Ҳой, ҳой, отамиз”, “Яша Шўро” сингари шеърлари мактаб дарсликларида ўрин олганлиги кўпчиликка аён. Бу сохта шеърлар кимлардир томонидан “қайта ишланганлиги” мутахассис бўлмаган одамга ҳам маълум эди. Дейлик, “Яша Шўро”нинг қофия тизими шеърят техникасини чуқур эгаллаган шоир услуби ва маҳоратига мутлақо тўғри келмайди. [7,174-175] Шеърнинг дастлабки мисраси “Яша Шўро, Яша Шўро” эмас, балки “Яша Турон, Яша Турон” бўлганидан, кейинги мисралар “Сен яшайдурғон замон” тарзида келиши ҳақиқатга яқинроқ.[7,174-175] Чунки шеър аввалроқ Туркистон мухториятини қутлаб ёзилган.

Яна бир ғайриилмийликнинг энг ажабтовур намунаси сифатида Ҳамзага бағишланган 17 қисмли “Оловли йўллар фильмини кўрсатиш мумкин. Уйдирмалар асосига қурилган бундай асарлар Ҳамзага нисбатан ҳурмат-эҳтиромни ошириш ўрнига унга бўлган ишонч ва эътиқодга жиддий путур етказди. Тан олиш керакки, шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар кейинчалик Ҳамза Ҳакимзода шаънига турли бўхтонлар ёғилишига, унинг айбсиз айбдор бўлиб қолишига сабаб бўлди.[4,184] Унинг шаънига билиб-билмай турли ёлғон ёрлиқларни ёпиштириш, Шўро мафкурасининг жарчиси эканлигини “чайнаш”, динимизнинг душмани деб “баҳолаш” Ҳамзанинг миллият, исломият, адабиёт, санъат, маориф олдидаги хизматларини тамомла йўққа чиқарди. Ҳолбуки, Ҳамзанинг серкирра истеъдоди, миллат олдидаги хизматлари беқиёс. Унинг Шўро тузумидан олдинги фаолиятининг ўзиёқ унга баҳо беришга етарли асос бўла олади. Акс ҳолда Ҳамза Ҳакимзода “Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор” деб ёзмаган бўлар эди.

Яна бир далил: Ҳамза ўз ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлагани маълум. У “Ниҳоний” (яширин, махфий маъноларини билдиради) таҳаллусида ижод қилган ва 1905-1914 йилларда ушбу таҳаллусда яратган шеърларини тўплаб, “Девони Ниҳоний”ни тузган.[1, 360] Девонга шоирнинг 177 шеъри киритилган бўлиб, улардан 150 таси ғазал, қолганлари маснавий, мураббаъ, мухаммас,

мусаддас ва 1 мактубдан ташкил топган; булардан 165 та шеър ўзбек тилида, 10 та шеър форс-тожик тилида, 2 та шеър ўзбек ва рус тилида ширу-шакар жанрида ёзилган. Агар Ҳамзанинг умумижодини ана шу девон билангина ўлчанганида ҳам, унинг ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин олишига ҳеч шак-шубҳа бўлмасди. Зеро шоирнинг бу шеърлари Шарқда кенг палак ёзган романтизмнинг эндигина тетапоя бўлиб келаётган реализм билан уйғунлашиш жараёнини ўзида намоён этаётган даврда ёзилган. Ҳамза Ҳакимзоданинг тўплами девон адабиётида камдан-кам учрайдиган ҳодиса. 23-25 ёшларида шунча шеър ёзиб, уни тўплаб девон тартиб бериш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган. Тўғри, девонда назира йўсинида битилган айрим шеърлар, масалан, ҳамд, наът мазмунидаги шеърлар, Навоий, Фузулий, Муқимий, Завқий йўлидан бориб ёзилган манзумлар ҳам йўқ эмас. Бироқ булар шоир истеъдодининг ўлчамлари бўла ола олмайди. Зеро девонда янгирган лирик қаҳрамон, янгитдан яратилган тимсоллар, янги давр тилининг унсурлари мана мен деб кўзга ташланиб туради. М.Тожибоева докторлик диссертациясда мазкур масалага анчайин ижобий муносабат билдириб, “Девони Ниҳоний” нафақат шоир адабий меросида, балки XX аср ўзбек мумтоз шеърлятида янги ҳодиса бўлганлигини қайд этган. Ана шу диссертациядан айрим иқтибосларни келтириб ўтамиз: “XX аср адабиётининг муҳим бир даври Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди билан узвий боғлиқлиги шоир асарларида яққол кўринади. Ҳамза Ҳакимзоданинг адабий мероси ўзбек шеърляти тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилиш билан бирга шоирнинг ижодий камолоти мумтоз адабиёт анъаналарини чуқур ўзлаштирганлигига бориб тақалади. Ҳамза миллий уйғониш даври адабиётининг вакили сифатида мумтоз шеърлятнинг адабий вориси ва ижодий давомчиси бўлди, бой мерос ва анъаналардан озиқланганлиги эвазига баракали ижод қилди. *Натижада сўниб бораётган айрим жиҳатларни жонлантирди (курсив бизники- Ш.Х.)*”[3,45], “Ҳамза ўзбек мумтоз адабиёти жанрлари, бадиий санъатлар, қофия ҳамда вазн тизимини чуқур ўзлаштирди. Ҳамза ўрганган ва эргашган мумтоз адабий мактаб Амирий ва Нодира томонидан юксак поғонага кўтарилган эди. Ҳамза мумтоз адабиётни, ўзининг яқин замондошлари Муқимий ва Фурқат анъаналарини, хусусан, ишқий, ижтимоий, маърифий масалалар инсон учун зарурий маънавий омил эканлигини *янги тарихий шароитда ва юқори савияда давом эттирди (курсив бизники- Ш.Х.)*”[3,46]. “Шарқ шеърлятида адабиётнинг етакчи мавзуси бўлган муҳаббатни тараннум этиш одат тусига кирган. Мавзу теграсидаги кулминацион нуқтани Алишер Навоий ишғол қилган. Навоийдан кейинги ғазалсаро шоирлар эса унинг таъсирида бўлганлар. Тубандаги “Соғинмас мани” радифли (Ҳамзанинг) ғазали саккиз байтдан иборат бўлиб, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байтларга изчил боғланган. Ҳазалнинг мазмуни матлаъда кўтарилган ишқ мавзуси ва ундаги соғинчли ҳижрон руҳий ҳолатини изчил ёритиш жараёнида вужудга келган. У Алишер Навоийнинг “Келмади” радифли ғазалини эслатади. Аммо бу шеър Навоий ғазалининг айнан шакли ёки қофия, радифи ва ҳажмининг ўзгартирилган такрори эмас. Ҳамзанинг

ғазалида ҳижрон мавзусини ёритишда Навоий билан маслакдош, фикрдош бўлганини, бадий сўзга навоийона ёндашишга уринганлигини ва бу уринишнинг самарасини кўрамиз. Саккиз байтли мазкур ғазалда ҳижронни айнан Навоий каби эмас, уни ўзига хос услубда қайта инкишоф этишга, мумкин қадар янгича талқин қилишга ҳаракат қилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони маъшуқанинг бераҳмлигидан шикоят қилар экан, бу норозилик замирида замонасидаги тенгсизликни ҳам байтларга сингдириб юборган:

*Дўстлар, юз йил ўтса ҳам ҳеч ёр соғинмас мани,
Ман соғингоним билан дилдор соғинмас мани...
Эй Ниҳоний, сандин ўзга топди у бир навнихол,
Кетти бир йўл дил узуб инкор, соғинмас мани”.[3,46-47]*

Муҳаббат изтиробларида ўртанган ошиқ кечинмаларининг жонли ифода-си ҳисобланган бу ғазалда нозик ва чуқур туйғулар, қарама-қарши руҳий ҳолатлар акс этган бўлиб, унинг асосий пафоси висол истагидир. Лирик қаҳ-рамон маъюс: бир кун унга юз йил бўлиб туюлса-ю буни ёр сезмаса; ошиқ руҳий азобда, афтодаҳол: чунки у кўнгил қўйган қиз бойвачча, бечора ошиқ аҳволи эса ўзига яраша, бу маъшуқага ёқмаслиги тайин; ошиқ ҳаяжонда: васл умиди бор, мактуб ёзди, жавоб кутмоқда; ошиқ шикоятланди: маъшуқа унинг мактубини парвосига илмади, ўрталаридаги ваъдалар ҳам бекор бўлди, бир бора бўлса-да соғинмади; ошиқ фарёд кўтарди: маҳбубанинг қалбида бир роз бор, акс ҳолда унинг номасига жавоб ёзган бўлар эди; ошиқ умидсизланди: маҳбубанинг бир навнихол топгани аниқ, муҳаббати жавобсиз, энди бунга кўникмоқ керак. Ғазалда шоир лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати – ҳаёт-даги бахт ва бахтсизлик ўртасидаги зиддиятдан, орзу ва имконнинг қовушмаслигидан чуқур ўйга ботганлигини реал лавҳаларда акс эттирди. Ғазалда ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги зиддият байтма-байт муфассал ифода-ланган. Ғазалдаги маъюслик ҳаётда истакларни амалга оширишнинг имкони йўқлигидан келиб чиқади. Ёр, дилдорнинг бу ҳолати тасвири ҳаётни севмас-ликка, инкор қилишга олиб келмайди”.[3,48]

“Ҳамза шеърятни жадид адабиётининг бошқа вакилларига нисбатан мум-тоз шеърятни ўзига сингдирган ижод намунаси саналади. Чунки Ҳамза ижо-дида Навоий ва Бобур анъаналари билан бир қаторда Қўқон адабий муҳити шоирлари, жумладан, Ҳувайдо, Амирий, Муқимий ва Фурқат ижодига яқин-лик сезилади. Бу ҳолат мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган. Проф. Л.Қаюмов “Биз билмаган Ҳамза” мақоласида шоир архивида сақла-наётган 1928 йилнинг 27 сентябрига тааллуқли бўлган бир байтни келтирган:

*Надур бу завқ то хизмат эларо ҳам телба унвоним,
Замона ўзлугимдан, дўстлардан баҳраманд этмас.*

Олим “Навоий нафаси сезилиб турган бу мисралар унинг охирги шеъри” эканлигини қайд этади. Демак, Ҳамза ўзининг илк шеърларидан тортиб умрининг сўнгги онларигача ёзган асарларида мумтоз шеърят таъсирида бўлди, унга эҳтиромини изҳор этиб, ўзбек мумтоз шеърятининг барча жанр-ларида асарлар

битди. Гарчи ўзи янги шўролар адабиётининг етакчисига айланган бўлса ҳам, мумтоз адабиёт анъаналари шоирни бир умрга тарк этмади. Аксинча, унинг янги руҳдаги асарларининг бадиий шаклланишига туртки бўлди, уларни санъаткорлик нуқтаи назаридан безаб турди”.[3,50]

Ҳамза шеъриятидаги мумтоз анъанавийликдан баҳрамандлик поэтик маънони ифода қилишга қаратилган тимсол-га қайта-қайта мурожаат қилиш орқали уни янги қирраларини очишда, бу тимсол воситасида ўз руҳий ҳолатини ифодалашда салафлари ижодида синалган воситалардан фарқли ўлароқ хулоса – ҳукм чиқаришни китобхонга қолдиришида кўринади”.[3,52]

М.Тожибоевнинг диссертациясидан келтирилган бу иқтибослар, айрим баҳсталаб ўринлар бўлишига қарамай, биз сўз юритмакда бўлган масала юзасидан анчайин жўяли эканлиги билан эътиборга лойиқ.

Шоир ижодида муҳим ўринни ажойиб шеърӣ гулдасталари – “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” эгаллаганини ҳамзашунослару адабиёт мухлисларига-да маълум. Бу умумий ном остидаги 7 шеърӣ тўпламга 1915-1917 йилларда яратган шеърлари киритилган. Бу шеърӣ тўпламлар: “Атир гул”, “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Пушти гул”, “Сариқ гул”, “Яшил гул”, “Сафсар гул”. Уларда халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини уйғотиш, мактаблар очиб, илм-маърифатга даъват этиш ғояси етакчи бўлган:

Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор,
Ёз ўтуб, қиш келди ҳоло, бизга бўлган йўқ баҳор,
Сарсари боди жаҳолат қилмак истар тору мор,
Чора шул мактаб очайлик, шояд ўлсун сабззор.
Эй мусулмонлар, қачон бир дарда дармон истариз?
Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз? [2,16]

Ёки:

Ўзга миллат ҳикмат топиб учсалар суйи само,
Бизнинг миллат лоақал дардига дармон истамас.
Ухлама, ўзбек эли, асри тараққий вақтида. [2,13-14]

Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасидаги мазкур 7 тўпламга кирган шеърлари, матбуотда эълон қилган шеър ва публицистик мақолалари, яратган драмалари, “миллий романлари”, “Енгил адабиёт”, “Қироат китоби” “Ўқиш китоби” каби ўқув қўлланмалари унинг нафақат жадиҳчилик ҳаракати, балки бутун миллиятнинг бадиий адабиётдаги йирик намояндаларидан бирига айланганлигини кўрсатади: “Дариғ тутманг илм учун кетса молу жон, Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон”, деяр экан, чин мусулмоннинг имони илм билан ўлчанишига урғу беради. Илмсиз одам ҳеч қачон комил мусулмон бўла олмайди, деб хулоса чиқаради. Шу банддаги аҳли Туркистонни йиғлашга даъват этишида ҳам гап кўп:

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон. [2,6-10]

Шоир, носир, жонкуяр муаллим, илм ва китобнинг тарғиботчиси бўлган, миллат учун лайлу наҳор қайғурган Ҳамзадек улуғ зотнинг бундай қарашлари шу давр зиёлилари орасида анча илгарилаб кетганидан дарак беради. Унинг ана шу мақомда туриб ёзган драмалари, насрий асарларида ҳам кишиларга ўқув фарзлигини уқдирувчи фикрлар мужассамлашган. Чунончи, XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги миёнасида яратган “Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари” драмасида Марямхон ва Маҳмудхондек ёш илм ахлларининг миллатни саводли, ҳар жиҳатдан – ҳам диний, ҳам дунёвий томондан элнинг кўзини очиш учун астаҳидил қайғуришлари талқинларида, “Янги саодат ёхуд Миллий рўмани”да ёш Олимжоннинг билим олиб, дунёни таниб оилани зиллат ботқоғидан рўшноликка олиб чиққанларини тасвирлаш жараёнида аҳли Туркистоннинг кўзини очишга, уларнинг ўқиб, маърифат ва ҳунарларни эгаллаб, юрт ва элни озодликка олиб чиқишлари, дунёнинг илм-фан, маданият соҳаларида илгарилаб кетган кишилари қатори бўлишларини чин дилдан истаган.

Ҳамзанинг 1916-1929 йиллар оралиғида битган шеърӣ ва насрий асарлари, драмаларида ҳам эзгулик, эзгу сўз ва эзгу амални тарғиб этиш бирламчи ўринни эгаллайди. Унинг бирор бир асари йўқки, шахсий кечинмалар қобиғида қолиб кетадиган, уларнинг барчасида Ҳамзанинг миллат учун қайғуришлари бирламчи ўринни тутди. Публицистик мақолалари, бошқа драмаларида ҳам ана шу қоида устуворлик тутди. Гарчи шўравийлар топшириғи билан уларнинг мафкурасига мос тушадиган “Ишчилар, уйғон”, “Ҳой, ҳой, отамиз” каби шеърларида ҳам пролетариат (ишчилар табақаси)га даъват тағида бутун миллатни “кўзни очиб”, замон билан ҳамнафас бўлишга чақириш етакчилик қилади. Яна шуни кўшимча қилиш керакки, унинг эътиборидан хотин-қизларнинг озодлиғи, уларнинг ҳам эрлар қатори саводхон бўлишларини исташлари четда қолмаган. У хотин-қизларнинг оила ва жамиятда гегемониясини эмас, ҳур инсон сифатида нафас олишларини истаган. Исломиётда, мусулмон ақоидларида буюрилган амаллар доирасида яшашларини тарғиб этган. Айниқса, жаҳон драматургиясининг шоҳ асарлари билан бемалол беллаша оладиган “Майсаранинг иши”, “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёхуд Яллачилар иши” каби асрнинг иккинчи ўн йилликлари ўртасида битган драмаларида хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққан. Хотин-қизларни ерга урадиган, уларни инсон сифатида санамайдиган кимсаларнинг шармандасини чиқарган. Бир сўз билан айтганда, Ҳамза Ҳакизоданинг ижоди ҳаётининг маърифий лавҳаларига айланиб қолган ёхуд унинг ҳаётӣ дастурлари бадиӣ ва адабий асарлари мағзига синггиб кетди Шундан бўлса керак, бу зот дастлаб атрофидаги айрим бир зиёлилару бой-боёнлар, муллою домуллоларнинг, ҳукумат тепасида турганларнинг қитиғ-патиға теккан. Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами” га ёзилган изоҳларга эътибор қилинса, унинг ўнлаб асарлари ўз вақтида босилмаган, кейинчалик ҳам йиллар давомида нашр этилмай келди. Нашр қилинганлари эса ё қирқилган, ё қайтадан бичиб-тўқилган бўлди ва

Ҳамза ҳақида ёзилган ишларда “қирқилганлар”дан қолган мафкурага мос “қийқим”лар доирасида баҳо берилди.

Бу зот ҳаётлигида “Ҳамзахон” деб тилга олинган. Бу ном кўп нарсага ишора қилади. Магарки, шундай экан, биз зиёлилар, ҳамзашунослар, истиқлолимиз учун жонини фидо қилган, миллатимизнинг шаъну шавкати, илму ирфон борасидаги мақомини азиз тутган зотларнинг ҳаёт йўлларини, айтган ҳикматларини, қилган амалларини бутун оммага, айниқса ёш авлодга рўйи рост кўрсатиб бермоғимиз лозим. Бундай зотлар билан фахрланиш ҳам бир саодат!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Девон. – Т.: Фан, 1988. – Б.380.
2. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. Шеърлар, педагогик рисоалар, насрий асарлар. – Т.: Фан, 1988. – Б.564.
3. Тожибоева М. Жаҳид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари // Филология фанлари доктори (DS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2017. – Б.293.
4. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва бош. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т. : Маънавият. 2004. -Б. 462.
5. Каримов Н. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти. - Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. – Фарғона, 2019. – Б.29-40.
6. Ҳамдамов У. Ҳамза ва янги ўзбек адабиёти. - Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. – Фарғона, 2019. – Б.80-102.
7. Сиддиқов М. Баҳолаш меъёрида эврилишлар ва оқибатлар. – Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. – Фарғона, 2019. – Б.127-134.
8. Сабирдинов А. Ҳамза шеърлятидаги воқеа талқини.. - Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. – Фарғона, 2019. – Б.102-111.
9. Қаюмов Л. Замондошлар. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – Б.84.